КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 23 МАРТ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ  № 59 (11.370)  Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар



# НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ







## РЕСПУБЛИКАМИЗДА, ЖУМЛАДАН ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА НАВРЎЗИ ОЛАМ ШОДИЁНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

*ЭЗГУЛИК, БИРДАМЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК АЙЁМИДА БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗ, ШАҲАРЛАР, ТУМАНЛАР, МАҲАЛЛАЛАР ВА ҲАТТОКИ ҲАР БИР КЎЧАЛАРИМИЗ ГЎЁКИ СУЛУВ КЕЛИНЧАК МИСОЛИ ЯШНАБ КЕТДИ. БАЙРАМ СУРУРИ НАИНКИ БУТУН АТРОФДА, БАЛКИ МЕҲР ТАФТИДАН БАҲРА ОЛГАН ҲАР БИР ДИЛДА АКС ЭТДИ. БАЙРАМ РАМЗИ БЎЛМИШ ҚЎШ КАРНАЙ-СУРНАЮ НОҒОРАЛАР ЧАЛИНИБ БАРЧАНИ ХАЛҚ САЙЛИГА ЧОРЛАДИ. ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИ МАРКАЗЛАРИДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ КАТТА ТАНТАНА БИЛАН, ЮҚОРИ КЎТАРИНКИЛИКДА НИШОНЛАНДИ. КУЙ-ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ, МЕҲР-МУҲАББАТНИНГ ИЛИҚ ТАФТИДАН КЎПЛАБ КЎНГИЛЛАР БАҲРА ОЛИБ, ДОРИЛОМОН КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКРОНАЛАР КЕЛТИРИШДИ. ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, НАВРЎЗ АЙЁМИ ШОДИЁНАЛАРИ ҲАЛИ МАҲАЛЛА, КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАРДА ДАВОМ ЭТАДИ. ҚУЙИДА ШАҲРИМИЗ ТУМАНЛАРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚ САЙИЛЛАРИ, БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.*

**БЕКТЕМИР.** Ўлкамизга файзу тароват билан кириб келиб, одамлар қалбида яратиш, яшнатиш ишқини жўш урдирган Наврўзи олам шодиёналари бектемирликларни ҳам беҳад қувонтирди. Тумандаги маҳаллалар ободлик ва кўркамлик касб этди, кўп қаватли уйларнинг ён-атрофлари янада орасталанди. Энг муҳими эса барчанинг юзида, кўзида, юрагида Наврўз шукуҳи, шодиёна қувончи мужассам бўлди.

Туманда маҳаллаларда бошланган байрам шодиёналарининг энг муҳим тантанаси Бектемир спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Байрамона руҳ касб этиб безатилган ва қувноқ мусиқа садолари бир зум тинмаган файзли гўшага ёшу қари тўпланди. Байрам тадбирини туман ҳокими Акмал Ҳошимжонов очиб, барчани чин дилдан қутлади, кексаю ёшга яхши кайфият, бугунги айём дастуридан баҳраманд бўлишни тилади.

Ташкил этилган савдо расталаридан озиқ-овқат маҳсулотлари, кўклам пишириқлари ўрин олган. Дошқозонларда пиширилган сумалак ва миллий таомимиз — паловнинг таъми барчанинг оғзида қолди, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки уни энг уста ошпазлар тайёрлашган эди.

Шунингдек, мактаб ўқувчилари иштирокида турли спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди. Яна шуни қувонч билан айтиш кераккки, жорий йилда пойтахтимизнинг улуғ тўйи нишонланиши муносабати билан «Тошкентнинг 2200 йиллиги» деб ёзилган варрак учириш мусобақаси жуда қизиқарлилиги билан ажралиб турди. Болажонларнинг шодон қийқириқлари майдонни тутиб кетди. Таниқли санъаткорлар Зулайҳо Бойхонова, Илҳом Фармонов, Фирдавс Пазлиддинов, Шароф Муқимовлар завқ билан куйлаганда давралар файзга тўлди, қўшиқлар рақсларга уланди.

Улуғ айёмда туманда истиқомат қилувчи 33 нафар ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди. Энг муҳими эса уларга маънавий кўмак бўлиб, кўнгилларини тоғдек кўтаришга эришилганидир. Туманда шодиёналар давом этади ва маҳаллаларда анъанавий сумалак базмлари бўлиб ўтмоқда.

**МИРОБОД.** Эзгулик айёми, меҳроқибат намунаси саналган умрбоқий Наврўз нашидаси мирободликларни карнай-сурнай садолари билан Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта опера ва балет театри биноси ёнидаги сўлим майдонга чорлади. Набираларини етаклаган бобою бувилар, фарзандларини эргаштирган ота-оналар, маҳалла аҳли билан ҳамжиҳат оқсоқолу маслаҳатчилар уларни хушнуд этиш, тантанани мароқли ўтказишга бел боғлаган санъаткорлар мана шу қутлуғ масканга тўпланишди.

Қаерга қараманг — хурсандчилик, барча бир-бирини қутлаган, дил изҳорларини баён этган. Қувноқ ўйинлар, варрак учириш мусобақалари, моҳир қўллар тайёрлаган буюмлар, миллий урф-одат, анъаналаримизни ўзида мужассам этган саҳна кўринишлари, шўх қўшиқ ва қувноқ рақслар томошабинлар завқига завқ қўшиб, байрам кайфиятини бағишлади. Ҳар ким ўзини қизиқтирган томоша атрофида тўпланган бўлсада, лекин барчанинг дилида Наврўз шукуҳи, азалий байрам ғурури уфуриб турибди.

— Туманимизда уйғониш, янгиланиш айёми Наврўзга катта тайёргарлик кўрилди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Пўлатова. — Маҳаллалар, кўп қаватли уйлар ён-атрофи, корхона, муассасалар, кўчалар ўзгача чирой очди. Ҳашарлар уюштирилиб, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш юмушларида барча иштирок этди. Байрам кайфиятини бағишлаш мақсадида айём олдидан кекса отахон ва онахонлар, ногиронлар, кўп болали оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак берилди. «Оқ уй» ва «Файзиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи 2 нафар 100 ёшдан ошган онахонларимиз дуоси, уларнинг юз-кўзларида барқ уриб турган шукроналикдан диллар баҳра олди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак байрам байрамдек ўтишида барчанинг ўзига хос ҳиссаси бўлди.

Майдонда турли миллат вакилларидан иборат мирободликлар ҳалим ва сумалаклар таъмидан баҳраманд бўлиб, Наврўзий таомларни бир-бирларига тортиқ этишди. Албатта, баҳор, Ватан, Наврўз, муҳаббат ҳақидаги дилрабо қўшиқлар янграганда қалбларда ғурур туйғулари янада жўш урди. Чорлов, мучалларни ифода этган саҳна кўринишлари, спорт ўйинлари бири-биридан жозибали бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан уюштирилган концерт дастури «Ватан ичра Ватанимсан — Тошкентим» деб номланди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорликларида ташкил этилган тадбир «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўз фаолиятини бошлаганлигининг 15 йиллигига бағишланди.

● **96-МАКТАБДА** ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган очиқ дарс «Кўҳна ва навқирон Тошкент — 2200 ёшда» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида эзгулик айёми Наврўз муносабати билан маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш марказида мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда шу кунгача 11 минг нафардан ортиқ ҳуқуқшунослар, нотариуслар ва судьялар малака ошириш курсларида ўқитилганлиги, бу борадаги ишлар яна давом этажаги таъкидлаб ўтилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Давлат архивида Наврўз байрами муносабати билан мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда Давлат архивида электрон ахборот тизимини яратишнинг афзалликлари хусусида ўзаро фикр алмашилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 240-мактабда Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган байрам тадбирида мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари ҳамда «Боғишамол» маҳалласи фаоллари иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** болалар руҳий асаб касалликлари шифохонасида Республика Тасвирий ва амалий санъат лицейи иштирокида ўтказилган концерт дастури ва расмлар кўрик-танлови эзгулик айёми Наврўзга бағишланди.

● **АВИАСОЗЛАР** маданият саройида **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган байрам тадбири «Наврўз — озодлик ва эркинлик, поклик ва шодлик рамзи» деб номланди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

***ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ, МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 25-26 МАРТ КУНЛАРИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ШАҲРИМИЗДАГИ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.***

**Ярмаркада шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 870 та корхона-ташкилотларнинг 12 мингга яқин умумий бўш иш жойлари таклиф қилинади.**

Биргина ободонлаштириш тизими ташкилотларида **2800 та** иш ўринлари мавжуд.

Шунингдек, ярмаркада қуйидаги мутахассисликлар бўйича иш жойлари тавсия этилади:

**— ҳайдовчи-668 та;**
**— шифокорлик ва ҳамширалик иши-490 та;**
**— муҳандис-400 та;**
**— электрмонтажчи-270 та;**
**— тикувчи-бичувчи-200 та;**
**— ўқитувчи-педагог-120 та;**
**— қурувчилар-115 та;**
**— чилангар, электргазпайвандчи-110 та;**
**— йиғирувчи-100 та;**
**— механик-70 та;**
**— ҳисобчи-65 та.**

Сизларни 2009 йил **25-26 март** кунлари соат **9.00** дан **16.00** гача ўтказиладиган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасига таклиф қиламиз.

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наврўз айёми арафасида Фарғона шаҳрида «Қувасой таъмирлаш қурилиш» корхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган «Бахт уйи» ишга тушиб, дастлабки мижозларини қабул қилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур иншоотнинг қурилиши учун 1 миллиард 300 минг сўм маблағ сарфланди.**

**● Қашқадарёда Наврўз тантаналари хайрия тадбирларига уланиб кетди. Ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан 28 минг нафардан зиёд фуқарога 1,5 миллиард сўмлик совға-саломлар улашилди.**

**● Урганч шаҳрида Наврўз байрами арафасида иккита тўрт қаватли турар жой биноси қурилиб, 64 та ёш оилага берилди. Ушбу биноларнинг қурилиши учун «Ипотекабанк» АТИБ филиали 2 миллиард 466 миллион сўм маблағ сарфлади.**

**● Сардоба туманидаги «Пахтаобод» қўрғонида вилоят «Сирдарё матлубот савдо» акциядорлик компаниясининг саъй-ҳаракати билан янги савдо маркази фаолият бошлади. Узоқ йиллардан буён фойдаланилмай, ташландиқ ҳолга келиб қолган бино негизида савдо марказини бунёд этиш ишларига 40 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.**

**● Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ҳумо» номли янги икки қаватли савдо марказининг қурилиши ниҳоясига етди. «Зулҳумор-Зебо» кўп тармоқли хусусий фирмасига тегишли мазкур мажмуанинг биринчи қаватидан турли уй-рўзғор буюмлари ва ўқув қўлланмаларини харид қилиш мумкин бўлса, иккинчи қаватда қандолат маҳсулотлари ва макаронларни ишлаб чиқариш бўйича цехлар очилади. Янги савдо маркази ишга тушгач, яқин атрофдаги 60 киши иш билан таъминланади.**

**● Қашқадарёда «Кредит — кичик бизнесга қувват» мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Вилоятдаги банк раҳбарлари ва тадбиркорлар қатнашган анжуманда иштирокчилар соҳани ривожлантиришда тижорат банкларининг ўрни юқори эканлиги ва бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига эътибор қаратишди.**

**● Асака шаҳрида «ЎзДонгВонКо» қўшма корхонаси томонидан спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги мажмуада ёшларнинг спортнинг ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

### ЖАҲОНДА

**● Македонияда бўлиб ўтган Президент сайловларининг биринчи турида 7 номзоддан биронтаси ҳам керакли миқдордаги овозни тўплай олмади. Эндиликда сайловларнинг иккинчи босқичи 5 апрелда ўтказилади.**

**● Жанубий Корея пойтахти Сеулда Европа Иттифоқи ва Жанубий Корея ўртасида эркин савдо муносабатларини йўлга қўйиш юзасидан музокаралар бўлиб ўтмоқда.**

**● Кеча Токио аэропортига қўниш чоғида АҚШнинг почта самолёти ҳалокатга учради. Натижада самолётнинг иккала учувчиси ҳам ҳаётдан кўз юмди.**

**● Исроил армиясига энг сўнгги русумдаги роботларнинг катта туркуми жорий этилди. Улар стратегик объектларни қўриқлаш, миналаштирилган майдонлардан ўтиш, террорчиларга қарши курашиш вазифаларини амалга оширишлари мумкин.**

**● Кеча Шимолий Американинг Монтана штатида битта моторли енгил самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида 17 киши ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг тўққиз нафари болалардир.**

**● Кеча Суданнинг Дарфур музофотида юз берган турли қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар натижасида 34 киши ҳалок бўлди, тўққиз киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

**● Расмий Анқара АҚШга ўз ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиб кетиш жараёнида мамлакат аэропортларидан фойдаланиш ҳуқуқини берди.**

**● Буюк Британияда глобал иқтисодий инқироз тўйларни ўтказишга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, битта ўртача тўйнинг 20 минг фунт стерлингга тушишини эътиборга олган ҳолда инглизлар эндиликда кўплаб висол оқшомларини ресторанларда эмас, балки ўз уй-жойларида ўтказмоқдалар.**

**● БМТ мутахассислари 2012 йилга бориб ер юзида яшовчи аҳоли 7 миллиард нафарга етишини ҳисоблаб чиқишди. Айни кунда куррамизда 6,8 миллиард аҳоли яшамоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили Ер аҳолиси ўртача ҳисобда 78 миллионга кўпайиб бормоқда. Аҳоли сони ўсиши шу тахлит кетадиган бўлса, 2050 йилга бориб ерликлар сони 9 миллиардга етиб қолиши шубҳасиз.**

# НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, байрамда «Отам, онам ва мен» спорт мусобақаси ғолиблари, энг яхши тадбиркорлар, гўзал шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Етти камалак жилосида менинг пойтахтим» расмлар кўргазмасининг совриндорлари бўлган ўқувчи-ёшлар иштирок этишиб, муносиб тақдирланишди ва туман аҳли олқишига сазовор бўлишди.

**МИРЗО УЛУҒБЕК.** Миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган, хайру саховат, эзгулик, меҳрмурувватга йўғрилган Наврўз айёми ҳар йилгидек бу йил ҳам ўзгача шукуҳ билан бошланди. Мирзо Улуғбек туманида ҳам Наврўз байрами халқ сайли ўзгача кўтаринки руҳда ўтди. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай ва ноғора наволари туман аҳолисини байрам сайлига чорлади.

Байрам сайли асосан тумандаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи шохобчасида ўзига хос тантанали, файзли ўтди. Байрам кунлари бу сўлим гўша маҳаллалар аҳолиси, талаба-ёшлар, таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, шунингдек, пойтахтимиз меҳмонлари билан гавжум бўлди. Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан тайёрланган байрам дастурлари, туман маданият уйлари бадиий жамоалари ҳамда севимли эстрада хонандаларининг шўх ва қувноқ куй-қўшиқлари, жозибали рақслари барча-барчага бир олам қувонч ва завқшавқ бағишлади. Шунингдек, кўтаринки руҳда ўтган миллий халқ ўйинлари, турли хил спорт мусобақалари, варрак сайли ва ёш ижодкорларнинг кўргазмалари дам олувчиларга бирдек манзур бўлди. Шодиёна байрамда катта дошқозонларда Наврўзимизнинг тансиқ таомлари бўлган сумалак ва ҳалим тайёрланиб каттаю кичикка тарқатилди. Айниқса жажжи кичкинтойларнинг бахтиёр ва шодон кулгулари оламни тутди. Улар боғдаги қувноқ аттракционларда мазза қилиб учиб, қувнаб яйрадилар. Байрам тадбирлари туман маҳаллаларида, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида байрамона дастурхон атрофида баҳор ва Наврўзимизни мадҳ этувчи дилбар куй-қўшиқлар, лапарлар остида шодиёна давом этди. Байрам кунлари тумандаги 105 ва 101-мактаб-интернатларга ҳамда эркаклар мурувват уйига ҳомийлар кўмагида хайру саховат кўрсатилиб, байрам дастурхони безатилди, ош ва сумалак тортилди. Ёлғиз кексалар, ногиронлар ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совғалар улашилди.

**СЕРГЕЛИ.** Баҳор келиши билан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, саранжом-саришталик ишларини бошлаб Наврўзга пешвоз чиққан Сергели тумани аҳолиси эрта тонгдан карнай-сурнай наволари чорлови билан Сергели маданият ва истироҳат боғига кириб келдилар. Бобою бувижонлар иззатда, ёшлар эса хизматда бўлишиб қувноқ-куй қўшиқлар, эстрада юлдузлари, сўз усталари, шоир ва ёзувчиларнинг чиқишлари, дил сўзларидан бир олам завқ олдилар, қувноқ қўшиқларга рақсга тушиб дилдан яйрадилар.

**— «Серкуёш заминга яратиб ризқ-рўз,**
**Хуш келдинг юртимга баҳорим Наврўз» —**

шиори остида театрлаштирилган саҳна кўринишлари билан ўтган халқ сайли қатнашчилар қалбида узоқ вақт сақланиб қолади, — дейди бир гуруҳ байрам иштирокчилари даврасида турган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Раҳимжонова. — Айниқса «Онажоним Тошкентим» адабий-бадиий композицияси, тумандаги спорт мактаби спортчиёшларининг чиқишлари, турли спорт мусобақалари барчага манзур бўлди. Шу ўринда таъкидлаб ўтишни истар эдимки, айни улуғ айём кунларида анъанавий тарзда ҳар йили туман ҳокимлиги томонидан тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари муҳташам «Бахт-диёр» тўйхонамизда катта тантана билан ўтказилиб берилади. Тўй болаларга саруполар кийгазилади, чиройли байрам дастурхони ёзилади, совға-саломлар топширилади. Бу йил ҳам ушбу анъанадан келиб чиққан ҳолда 102 нафар болажонларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Меҳр-оқибат, беминнат яхшилик бор жойда эса ҳамиша қут-барака, тўкин-сочинлик бўлиб, бошланган ҳар бир иш бароридан келади ва кўзланган мақсад сари етказади. Сергели тумани аҳли мана шу эзгу мақсад сари дадил одимламоқда.

**СОБИР РАҲИМОВ.** — Туманимиздаги корхона, ташкилот ва 58 та маҳалламизда тўкин-сочинлик, меҳр-оқибат айёми бўлмиш Наврўз байрами катта тантана билан нишонланмоқда, — дейди биз билан суҳбатда туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Абдумавлон Раҳимов. — Халқ сайли эса «Оймомо» ва Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғларида бўлиб ўтди. Баҳорнинг тансиқ таомлари бўлмиш сумалак, ҳалимлар тайёрланиб, бетоб, ётиб қолган кексаларнинг уйларига олиб бориб берилди. Бундан ташқари туманимиздаги 1,2-мурувват уйлари, 24-Меҳрибонлик уйи, 106, 100-мактаб интернатлар ўқувчиларига саховат ёрдамлари кўрсатилди. Байрам дастурхонлари ёзилиб барчага иззат-ҳурмат кўрсатилди.

Тумандаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам ушбу байрам ўзгача тантанавор нишонланди. Олий ўқув юртлари ва коллежлар талаба ва ўқувчилари дошқозонларда сумалаклар тайёрлашиб, қувноқ куй-қўшиқлар авжида бўлиб, эзгулик айёмига пешвоз чиқишди.

— Ёшларимиз Наврўз байрамини ҳар йили соғиниб кутиб олишади, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси матбуот хизмати раҳбари Назира Ҳамроева. — Айниқса эстрадамиз юлдузлари, таниқли ёзувчи, шоир, сўз устаси билан яқиндан танишув, дилдан суҳбат қуриш, шўх қўшиқ ва мусиқалар уларнинг жони-дили.

Дарҳақиқат, тинчлик-осудалик бор жойда байрамлар-байрамларга уланади. Инсонлари эъзозланган юртни эртаси бунданда порлоқ бўлади. Бу фикрнинг исботини эса кейинги йилларда қурилган муаззам ва баланд замонавий биноларда, осмонўпар иншоотлар ва жаҳон андозалари даражасидаги кўприклар, таълим-тарбия масканларимиз салобатида кўряпмиз.

**УЧТЕПА.** Учтепа туманида ҳам эрта тонгданоқ карнай-сурнай садолари остида бошланган байрам тадбирлари кечгача давом этди. Асосий тадбир «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғида нишонланди.

Кун давомида бу ерда баҳор, муҳаббат, нафосат тинчлик ҳақида хушовоз хонандалар иштирокида дилрабо куй ва қўшиқлар янгради. Театрлаштирилган томошалар, миллий спорт ўйинлари барчага бирдай манзур бўлиб, кишиларга хуш кайфият бағишлади. Айниқса болажонлар иштирокида уюштирилган варрак учириш мусобақаси ёшларнинг шодлигига янада шодлик қўшди. Сайилга келганлар туманнинг энг яхши ошпаз ва қандолатчилари томонидан тайёрланган сумалак, ҳалим, турли хил кўк сомсаю чучваралар, ош ва ҳар хил ширинликлар билан сийландилар.

Бежизга Наврўзни меҳр-оқибат айёми, дея таъриф бермаймиз. Бу саховатда, қилинган саъй-ҳаракатларда ёрқин акс этиб, қариялар, ётиб қолган беморлар, ёлғизлар ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олинади.

Туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ва ҳомий ташкилотлар томонидан тумандаги мавжуд 53 та маҳалладаги ана шундай ёрдамга муҳтож кишиларга турли хил совғалар ва моддий ёрдам топширилди.

**ЧИЛОНЗОР.** Пойтахтимизнинг энг гўзал ва тароватли масканларидан бири бўлган Чилонзор туманида ҳам қутлуғ шодиёна Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Халқлар дўстлиги майдони ва маҳаллаларда ўзгача кўтаринки кайфият, шукуҳ билан кутиб олинди, тантана қилинди.

Эзгулик, саховат, яхшилик, меҳр-муҳаббат, азалий қадриятлар, бардавом анъаналар Наврўзнинг ташрифида мужассам, қадамларида эса хайр-барака, тўкинлик, шукроналик бисёр. Дошқозонларда қайнаган сумалак, юртдошларимиз табиатидай ҳалимлар, баҳорий кўк сомсаю чучваралар Наврўз нашидасидан дарак беради.

— Байрам дастурхонлари атрофига йиғилган турли миллат вакиллари бир оила аъзоларидай дилдан ўйнаб яйрашди. Мустақиллигимизга шукроналар айтишди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттархон Содиқова. — Наврўзи олам нашидасидан ёшу қари дийдорга, дўст-қадрдонлар васлига талпинади, суҳбатларда, давраларда тасвирлаш қийин бўлган меҳр риштаси, кўнгилларга илиқлик бахшида этувчи оҳанграбо мужассам. Қариялари бор уйлар файзиёб бўлиб, улардан дуо олувчиларнинг кети узилмади. Яшариш, янгиланиш фаслида, Наврўзнинг эзгулик, саховат, яхшилик, меҳр-мурувват элчиси эканлигига яна бир бор амин бўлган ҳолда туманимизда истиқомат қилаётган қаровчисини йўқотган, ногирон, бемор, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олинди кўнгилларини кўтариб, совға-салом улашилди. Тумандаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бўлган болажонларга ҳам файзли, тароватли байрам баҳонасида чиройли дастурхон ёзилди ҳамда совғалар берилди.

**ШАЙХОНТОҲУР.** Қадр-қиммат ва меҳроқибат айёми бўлган Наврўз байрами Шайхонтоҳур туманида ҳам катта тантана ва зўр шодиёналик билан нишонланди. Туманнинг энг сўлим масканларидан бири бўлмиш Ибн Сино гузарида асосий тантаналар бўлиб ўтди. Жарчилар ҳангомаси, карнай-сурнай наволари, «Марварид» гуруҳи, 3-мусиқа мактаби ўқувчилари ҳамда эл эъзозидаги санъаткорлар, шоир ва ёзувчиларнинг чиқишлари билан барчага хуш кайфият улашилган ушбу сайилдан қатнашчилар бир олам таассурот олдилар.

— Туманимиздаги 49 та маҳаллада буюк қадриятларимиз тимсоли бўлмиш Наврўз байрамига катта тайёргарлик кўрилди, — дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Розиқ Қурбонов. — Аввало маҳаллалар ҳудуди ободонлаштирилиб, бутун атроф тозаланиб, супуриб-сидирилди, саранжомсаришта қилинди. Мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар экилди. Байрам баҳона кўчаларимиз обод, хаста диллар меҳр ва эътибор тафтидан қувонч ва шодликка тўлди. Кекса ва нуроний отахон-онахонларнинг ҳолларидан хабар олиниб совға-саломлар билан йўқланди.

— Халқимиз азалдан меҳр- оқибатли, ҳимматли, ориятли. Йиқилганни суяб бағрига олган, бир бурда нонини ҳам беминнат баҳам кўра олган халқ, — дейди маҳалладошлар даврасида гурунгни қизитиб, кўнгилларга завқ улашиб ўтирган Хувайдо маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Фотиҳ ака Асқаров. — Меҳнат қилишни ҳам, дам олишни ҳам билади. Байрамларга ҳаммаёқни озодалаб, покиза ҳолга келтириб, ёруғ юз билан пешвоз чиқади. Биз ҳам ушбу анъанадан чекинмаган ҳолда маҳалла гузаримизни қайта таъмирлаб чиройли ҳолга келтирдик. Кўчаларимизга , ҳиёбон ва гузаримиз атрофларига дарахт ва гуллар ўтқаздик. Ахир файзли ва ораста жойга қут-барака, ризқ-рўз ёғилади, чиройли байрам дастурхонлари ярашади.

**ЮНУСОБОД.** Наврўзи олам шодиёналари Юнусобод туманининг ҳар бир гўшасида ўзгача тантана билан бошланди. Айниқса чеҳрасидан нур ёғилиб турган табаррук отахонларимиз, мунис онахонларимиз қўлларини дуога очиб, юртимизга тинчлик, омонлик, тўкинлик, қут –барака сўраб, эзгу ниятлар билдиришди.

Туман аҳолиси яшариш ва янгиланиш айёми Наврўзни шодиёна нишонлаш мақсадида Сайилгоҳ майдони ҳамда Тошкент ҳайвонот боғи томон ошиқдилар. Шўх тароналар, қувноқ қўшиқлар янграган мазкур гўшаларда элимиз севган хонандалар, маданият уйларининг бадиий жамоалари ижросидаги қизиқарли байрам дастурлари йиғилганларга хуш кайфият улашди. Миллий урф-одат ва қадриятларимизни ўзида намоён этган халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, варрак сайли, турли хил томошалар каттаю кичикка ўзгача завқ бағишлади. Мазкур мусобақалар ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Хайру саховат, меҳроқибат, эзгуликка ундовчи боқий байрамимиз Наврўз ҳаммамиз учун қадрли, — дейди Юнусобод туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Саидбаҳром Муродов. — Тумандаги кўплаб маҳаллаларда байрам дастурхонлари безатилиб, ёшу кекса таклиф қилинди, сумалак, ҳалимлар тайёрланиб, ош тортилди. Байрам дастурхони асосан Наврўзнинг тансиқ таомлари бўлмиш кўк сомсаю чучвара, варақилар билан безатилди. Айниқса «Аҳилобод», «Шарқ ҳақиқати», «Исломобод», «Дўстлик», «Жомий» маҳаллаларида Наврўз байрами тадбирлари ниҳоятда қизиқарли ва шодиёна ўтди. Байрам кунлари туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар томонидан хайр-саховат кўрсатилди, ҳар бир маҳалладаги ёлғиз кексалар, ногиронлар, беморлар, уруш фахрийларининг уйларига бориб, байрам билан қутлаб, совғалар улашилди.

**ЯККАСАРОЙ.** Яккасарой туманидаги сўлим ва хушманзара маскан бўлмиш Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳар доимгидек байрамона безатилиб, эрта тонгдан карнай-сурнай наволари янграб, ҳамшаҳарларимизни ўз бағрига чорлади.

Байрам кунлари боғ маҳаллалар аҳолиси, ёшлар ҳамда пойтахтимиз меҳмонлари билан гавжум бўлди. Боғга ташриф буюрган меҳмонлар, дам олувчилар катта дошқозонларда пиширилган Наврўзнинг тансиқ таомлари — ҳалим, сумалак ҳамда кўк сомса ва чучваралардан тановул қилиб бахри-диллари очилди.

Шу куни боғда ташкил этилган 3 та саҳнада байрам концертлари, қувноқ томошалар ва маҳаллалар аҳолиси ўртасида қизиқарли танловлар намойиш этилди. Байрам шодиёналарида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган Байналмилал маданият марказларининг бадиий жамоалари, элимизнинг таниқли эстрада хонандалари ва туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ўзларининг концерт дастурлари ва театрлаштирилган қизиқарли томошалари билан қатнашдилар. Миллий халқ ўйинлари, арқон тортиш, турли хил спорт мусобақалари, варрак сайли байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади. Дам олувчилар ҳам қувноқ куй-қўшиқлар, шўх рақсларга жўр бўлиб, байрамни кўтаринки руҳда нишонладилар. Шу билан бирга турли хил ҳунармандчилик ва тасвирий санъат йўналишидаги ёш ижодкорларнинг кўргазмалари кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди.

**ҲАМЗА.** Элимизда байрамлар кўп, албатта. Лекин уларнинг ҳар бири ўзига хос руҳда шодиёна ўтадики, бу борада яратувчанлик, тадбиркорлик билан эзгу ниятларини амалга ошираётган, қалби бир-бирига меҳр-оқибат, муҳаббат ва садоқатга тўла халқимизнинг — кексалару ёшларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Шу боис ҳам Янги кун — Наврўз айёмида эрта тонгдан ҳамзаликлар байрамга ошиқишди. Албатта, маҳалланг обод, юртинг тинч, ҳовли-жойинг ораста, оила аъзоларинг соғ-саломат, қўни-қўшниларинг оқибатли бўлса, кўнгил қувонч истайди, шодиёнага талпинади.

Бир неча кундан буён дошқозонларда сумалак ва ҳалимлар пишириб, Наврўз шодиёнасини қаршилаётган маҳаллалардаги айём шукуҳи «Авиасозлар маданият саройи»га кўчди, 53 та маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ёшлар қувончи мазкур майдонни шоду-ҳуррамликка буркади.

— Байрамга ташриф буюрган ҳар бир маҳалла аҳли ўз маҳоратини кўрсатишга бел боғлаган, — дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Саъдулла Аҳмедов. — Шу боис ҳам уларнинг ҳар бирлари учун алоҳида жойлар ҳозирланди. Махмур, Донишманд маҳаллаларида тайёрланган Наврўз таоми — сумалак ва бошқа маҳаллаларнинг байрам дастурхонини безаган кўк-сомсаю чучвaралар, патиру ноз-неъматлардан ташриф буюрганлар баҳраманд бўлишди. Умрбоқий миллий байрамимизнинг қадри мустақиллик йилларида янада юксалганлигини мана шундай шодиёналар яққол исботлаб турибди.

Эртадан кечгача давом этган тантаналарда туман маданият уйи санъаткорлари, маҳаллалардаги ҳаваскор хонандаларнинг чиқишлари йиғилганларга бир олам завқ бағишлади. Турли спорт мусобақалари, келин-саломлар, ҳунармандлар ясаган миллий буюмларимиз кўргазмалари, йиллар бўйи давом этиб келаётган Наврўз ўйинлари барчани хушнуд этди.

Албатта, анъанага кўра шу куни ёлғиз қариялар, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга меҳр-оқибат кўрсатилди. Ҳар бир маҳаллада мана шундай эзгу ишлар амалга оширилиб, совға-саломлар улашилди, ана шундай хонадонларга байрам кайфияти бахш этилди. Бир сўз билан айтганда, гўзаллик ва нафосат айёмидан барча бирдай баҳраманд бўлди, миллий қадриятларимиз яна бир бор улуғланди.

**(ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ)**














**СУРАТЛАРДА: шаҳримиз туманларида бўлиб ўтган Наврўз шодиёналаридан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Транспорт*

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАР МАДАДИДА

**«ТОШКЕНТ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ» ТАРКИБИДА БИР НЕЧТА ЦЕХ ВА УЧАСТКА МАВЖУД. ВАГОНЛАРНИНГ ИЧКИ ҚИСМЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ЭКСПОРТ ВАГОНЛАР ЦЕХИ ЖАМОАСИ ҲАМ БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАРНИ ОРТИҒИ БИЛАН АДО ЭТИБ, КОРХОНАДА ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.**

Бу ерда «Регистон», «Шарқ» ва «Насаф» тезюрар поездлари вагонларини йиғиш борасида ҳам тажрибалар орттирилмоқда. Вагонларга қўйиладиган ойналар шовқин ўтказмайди, қаттиқ ўриндиқлар ўрнига юмшоқлари ўрнатилади. Вагонларга қайта «ҳаёт» бағишлашга эришаётган таъмирчилар созланган вагонларнинг жаҳон андозаларига мос бўлишини таъминлаш учун замонавий техник жиҳозлардан кенг фойдаланмоқдалар. Меҳнатда намуна бўлаётган бу цех яқинда муносиб рағбатлантирилди.

## МАРКАЗЛАШГАН БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИРЙЎЛ КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ АЛОҚА ВА СИГНАЛЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН ҲАМ ЯҚИНДАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛМОҚДА. ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН ЙЎЛЛАРДА ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ТИЗИМЛАРИНИ ЎРНАТИШ ИШЛАРИ ҲАМ ЖАДАЛЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Кейинги бир йил ичида ўтказгичли электр двигателларидан 19 таси тўла таъмирдан чиқди. Кўплаб аккумуляторлар эса янгилари билан алмаштирилди.

Қатор темир йўл бекатларида эса марказлаштирилган электр бошқариш тизими ишга тушди. Чуқурсой бекатида амалга оширилаётган қурилиш майдонларига кабеллар ўрнатилди.

## ЎЗАРО КЕЛИШУВ АСОСИДА

**«ҚАРШИРАДИАТОР» КОРХОНАСИ «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ БУЮРТМАЛАРИНИ АДО ЭТИШ БИЛАН ҲАМ ШУҒУЛЛАНМОҚДА.**

Германиядан олиб келинган «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар учун радиаторлар етказиб бериш ҳам йўлга қўйилди.

Ўзаро келишувга биноан бу хил қурилмалардан яна 100 таси олинади. Улардан унумли фойдаланишда эса Германиянинг «Равинол» фирмаси томонидан тайёрланган антифриз суюқлиги қўл келмоқда.

## МУҲИМ ЙЎРИҚНОМА

**ТЕМИРЙЎЛ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КОМПЛЕКС ДАСТУР ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУҲИМ ЙЎРИҚНОМА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**

Ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясида қатор техникавий ютуқлар қўлга киритилди.

Ҳаракатдаги таркибнинг фойдаланиш муддати узайтирилмоқда. Айни вақтда янги цистерналар, ёпиқ ва ярим вагонларни қуриш жадаллашди.

Темирйўлни электрлаштириш, марказлаштирилган диспетчерлик воситалари билан жиҳозлаш каби жараёнлар амалга оширилмоқда. Тошкент-Самарқанд-Бухоро темирйўл участкаларини тубдан таъмирлашга ҳам киришилди.

## 70 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

**ТОШКЕНТ БОЛАЛАР ТЕМИРЙЎЛИ ЎЗИНИНГ 70 ЙИЛЛИК ТАРИХИГА ЭГА. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН БУ МЎЪЖАЗ ТЕМИРЙЎЛ ЭНДИЛИКДА «ЁШЛИК» ДЕБ АТАЛАЁТИР.**

Ҳозир унинг ихтиёрида иккита тепловоз ва бешта вагон бўлиб, улардаги йўловчилар сиғими 132 кишини ташкил этади. Поездларни ёш темирйўлчиларнинг ўзлари бошқарадилар.

Бу ерда «Ёш темирйўлчилар» тўгараги ҳам ишлаб турибди. Олиб борилаётган машғулотларда тингловчилар замонавий темирйўл техникалари билан ҳам яқиндан танишмоқдалар.

## НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИРЙЎЛ КОМПАНИЯСИ ТАСАРРУФИДА КЎПЛАБ ТЕМИРЙЎЛ БЕКАТЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА.**

Ҳамза темир йўл бекати ҳам йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. «Қўйлиқ кўприклар, темирбетон қурилмалар тажриба заводи» каби корхоналар маҳсулотлари шу бекат орқали манзилларга етказиб берилмоқда.

«Фарм гласс» қўшма корхонасининг экспорт-импорт фаолияти ҳам шу ерда амалга оширилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

Рашкчи бўлма, чунки рашк сени дардманд қилгай.

* * *

Қўлингдан келса дўстларингни эъзозла, чунки оғир кунларингда ярайдилар.

* * *

Сўз ўрнига тиғга нишон бўлмай десанг, яхшилар дилини оғритма.

* * *

Нотўғри гапирди, деб бировнинг устидан кулгувчи бўлма.

* * *

Бировни гуноҳидан ўтган бўлсанг, уни айтиб юргувчи бўлма.

* * *

Дўстлигида ростлиги бўлмаган одамдан юз ўгир.

* * *

Охири бахайр бўлмаган ишга қўл урмагин.

* * *

## АНУШЕРВОН ҲИКМАТЛАРИ

Дониш билан хирад бир жуфтдир,
Дониш — кон, хирад — гавҳардир.

* * *

Хирад сени ўтқазгай тахтга,
Хирад сени еткизгай тожу бахтга.

* * *

Хирадни муаллимдан ўрган,
Ўрганишда ор-номусни қилма писанд.

* * *

Хирадга йўл топганинг ҳамон,
Гумроҳликдан юз ўгиргин беомон.

* * *

Кимдаким ўзлигини танибди,
Мақсад майдонида арғумоқ сурибди.

* * *

Кимдаким хирадга мубталодир,
Бало домидан ҳамиша халосдир.

* * *

Ҳакимлар пандига қулоқ тут,
Улар ёй музардан кўп афзалдир.

* * *

Вужудингчун панддан фойда кўпдир,
Уни ҳар кимдане эшит, зарари йўқдир.

* * *

Беҳуда сўзлагандан ранж кўп,
Хушликдек жаҳон ичра ганж йўқ.

* * *

Бу жаҳонда кўпгина инсон,
Ёмон сўз туфайли берган жон.

* * *

Нахуш айтмиш донишманди рўзғор:
Беҳуда айтмоқ кишини этар хор.

* * *

Кимдаким ёмон ишга машғулдир,
Қилмиши аҳриманла ҳамнишиндир.

* * *

Ёмон ишдан ҳамиша йироқ юр,
Хирадни ҳаётингда ўзингга қил дастур.

* * *

Кимники раҳнамоси хираддир,
Юрмиш йўли ҳамиша равшандир.

* * *

Кишиким ёмон ишдан узоқ юргай,
Ҳавас тузоғидан халос юргай.

* * *

Топилмас нарсани қидириб овора бўлма.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ таржималари

(Газетанинг навбатдаги сони 25 мартда чиқади)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети

**кафедралари қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Кафедра номи | Каф.муд | Профессор | Доцент | Катта ўқит | Ассистент |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ** | | | | | |
| 1. | Менежмент | | 1 | 2 | | |
| 2. | Маркетинг | | | 2 | | |
| 3. | Фалсафа | | | 1 | 4 | |
| | **ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ** | | | | | |
| 1. | Кончилик электр механикаси | 1 | | | | |
| 2. | Маркшрейдерлик иши ва геодезия | 1 | | | | |
| 3. | Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси | | | | 1 | |
| | **НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ** | | | | | |
| 1. | Нефть - газ конларининг геологияси ва геофизикаси | | 1 | | | |
| 2. | Нефть-газ қудуқларини бурғулаш | | | 1 | | |
| 3. | Нефть-газ қувурлари, омборлари ва саноати объектларини лойиҳалаш | | | | 1 | 2 |
| 4. | Нефть-газ конларини ишга тушириш ва касб таълими (нефть ва газ иши) | | | 1 | | |
| 5. | Умумий кимё | | | | 1 | |
| 6. | Умумий физика | | | 1 | | |
| | **ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ** | | | | | |
| 1. | Гидравлика ва гидроэнергетика | | | 1 | | |
| 2. | Касб таълими (энергетика) ва электротехника | | | 2 | | |
| 3. | Олий математика | | | | 1 | |
| | **МЕХАНИКА-МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ** | | | | | |
| 1. | Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш | | 1 | | | |
| 2. | Машинасозлик материалларига ишлов бериш | | | | 1 | |
| 3. | Ер усти транспорт тизимлари ва сервиси | | 2 | 1 | 2 | |
| 4. | Технологик машиналар ва жиҳозлар | | | | 1 | |
| 5. | Энергомашинасозлик ва касб таълими (ЕУТ) | 1 | | | 1 | |
| | **ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ** | | | | | |
| 1. | Электроника ва микроэлектроника | | | | 1 | |
| 2. | Нанотехнология | | | | 1 | |
| 3. | Автоматлаштириш ва бошқарув | | | | | 1 |
| 4. | Асбобсозлик | | | 1 | | 3 |
| 5. | Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш | | | | | 1 |
| 6. | Радиотехника ва касб таълими (радиотехника) | | | | | 1 |
| | **АВИАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ** | | | | | |
| 1. | Авиасозлик | 1 | | | | |

**Аризалар қабул қилиш муддати—эълон чоп этилган кундан бошлаб 1ой.**

***Манзилимиз:*** *Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент Давлат техника университетининг бош биноси, 418;211-хоналар.*

***Телефонлар:*** *246-46-00; 246-81-42; 246-61-17*

*Билиб қўйган яхши...*

## Ишонарсиз, лекин исботланган...

● Дунё болаларининг 50 фоизидан кўпи катталар чиқарадиган тамаки тутунидан доимий равишда азият чекишади.

● 60-120 минг аъзодан иборат оддий асаларилар оиласи ёз бўйи 150 килограмм асал тайёрлашади.

● Африканинг Намибия давлатида бундан 80 минг йил муқаддам Ерга қулаган оғирлиги 60 тоннали дунёдаги энг катта метероит бор.

## Илк авторучка 1880 йил яратилган

● Қадимда одамлар ёзиш учун перодан фойдаланишган. Илк мактуб перо орқали бундан 4000 йил илгари Грецияда ёзилган. 1780 йилда Англияда яратилган перолар ўз мавкеини 40 йилдан кўпроқ вақт давомида ушлаб турган. Илк авторучка 1880 йил Америкада яратилган.

● Стенография — белгилар ёрдамида ёзиладиган ёзув. Бу усул қадимги Римда ихтиро қилинган. Кейинчалик Англияда қиролича Елизавета томонидан ҳам йўлга қўйила бошлаган. 1888 йилда англиялик Грег томонидан ишлаб чиқилган стенография услуби бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

● Олимларнинг аниқлашича илк расмлар тош асрида — милоддан 25000 йил олдин чизилган. Одамлар, тошларда асосан ҳайвонларнинг суратини акс эттиришган.

## Антиқа фазовий тақвим

● Астрономлар ўзига хос "фазовий тақвим" тузишди. Унда 1 сония 500 йилга тенг бўлиб, жамики муҳим астрономик воқеалар бир йилга "жойлаштирилган". Тақвим "Катта портлаш"дан бошланиб, у рўй берган пайт шартли равишда 1 январь соат 0дан 0 дақиқа ўтганда белгиланган. Агарда ҳисобни шу тарзда бошласак, галактикаларнинг пайдо бўлиши 10 январга тўғри келади (1 сония қ 500 йил). Қуёш тизими пайдо бўлган "кун" — 9 сентябрь. Ер 14 сентябрда шаклланган. Унда ҳаёт 25 сентябрда бошланган. Дастлабки балиқлар 19 декабрда, қуруқликда яшовчи жониворлар эса 21 декабрда пайдо бўлган. Динозаврлар 28 декабрь санасида қирилиб кетган. Сайёрамизда дастлабки одамлар 31 декабрь, соат 22дан 30 дақиқа ўтгандан бошлаб умргузаронликни бошлашган.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва улардаги мавжуд бўлган муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида 2009 йил 26 март куни соат 11-00 дан 18-00 га қадар «Очиқ эшиклар» куни ўтказилади. Ҳурматли тадбиркорлар! Сизлар «Очиқ эшиклар» куни тадбирида ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича оғзаки ва ёзма равишда мурожаат этишингиз мумкин.**

**Маълумот учун телефон рақамлари: 262-92-42, 269-14-45**

«Барака» кредит уюшмаси аъзоларининг 7-сонли умумий йиғилиши, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўртаовул қўрғони, А.Темур кўчаси, 1-уйда жойлашган "Агросервис касб-ҳунар" коллежининг мажлислар залида 14 апрель куни соат 9.00да бўлиб ўтади.

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 28 апрел куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**I.** Суд Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 12.08.2008 йилдаги 2-57-2008-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, "Бета Алгоритм АШ" МЧЖ шаклидаги чет эл корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Daewoo Nexia" русумли, д/р М3012 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм; 2. "Daewoo Nexia" русумли, д/р М3060 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 800 000 сўм; 3. "Форд транзит" русумли, д/р М4715 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 900 000 сўм; 4. "Форд транзит" русумли, д/р М4716 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 21 444 492 сўм; 5. "Форд транзит" русумли, д/р М4717 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 22 328 352 сўм; 6. "Форд транзит" русумли, д/р М4718 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 152 367,2 сўм; 7. "Форд транзит" русумли, д/р М4721 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 22 269 221,4 сўм; 8. "Форд транзит" русумли, д/р М4722 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 170 196,8 сўм; 9. "Форд транзит" русумли, д/р М4723 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 797 632 сўм; 10. "Форд транзит" русумли, д/р М4724 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 687 737,4 сўм; 11. "Форд транзит" русумли, д/р М6076 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 500 000 сўм; 12. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М6897 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 600 000 сўм; 13. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7109 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 100 000 сўм; 14. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7110 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 100 000 сўм; 15. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7119 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 600 000 сўм; 16. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7122 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 700 000 сўм; 17. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7123 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 700 000 сўм; 18. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7439 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 900 000 сўм; 19. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7440 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 900 000 сўм; 20. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7441 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 900 000 сўм; 21. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7442 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 800 000 сўм; 22. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7443 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 600 000 сўм; 23. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7445 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 800 000 сўм; 24. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7446 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 800 000 сўм; 25. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7448 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 900 000 сўм; 26. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7449 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 800 000 сўм; 27. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7450 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 800 000 сўм; 28. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7451 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 800 000 сўм; 29. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7452 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 900 000 сўм; 30. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7453 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 000 000 сўм; 31. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7455 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 000 000 сўм; 32. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7456 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 700 000 сўм; 33. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7118 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 560 000 сўм; 34. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7108 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 680 000 сўм; 35. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7107 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 440 000 сўм; 36. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7114 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 520 000 сўм; 37. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7115 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 520 000 сўм; 38. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7112 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 640 000 сўм; 39. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7116 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 680 000 сўм; 40. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7124 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 680 000 сўм; 41. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7120 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 640 000 сўм; 42. "ФОРЛАНД" русумли, д/р М7113 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 520 000 сўм.

**II.** Тошкент шаҳар Сергели туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 18.06.2008 йилдаги қарорига асосан хатланган, Сергели туманида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБнинг "3-сон автокомбинат" жарима майдонида сақланаётган, "ВАЗ-21063" русумли, д/р 10V2027 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 531 816 сўм.

**III.** Шунингдек 2009 йил 14 апрел куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ЖИБ С.Раҳимов туман судининг 05.11.2007 йилдаги 1-665/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани "Жарариқ" жарима майдончасида сақланаётган, "BMW-320" русумли, д/р X320ONM бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 19 748 376 сўм. 2. ЖИБ Шайхонтоҳур туман судининг 12.09.2008 йилдаги 1-7261-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани "Инвест" жарима майдончасида сақланаётган, "Мерседес Бенц-190" русумли, д/р X838UEM бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 390 853,7 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич бахосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси – РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р:20210000500571452105, МФО:00901, ИНН:200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rkmb.uz

**Савдоларга марҳамат!**

Лицензия: DB 001 №000004.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4694 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

2 5 6

Топширилган вақти: 15.35